

**Бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув-мавзу режа ва ўқув дастурлари асосида
тест топшириқлари**

III- Вариант

Она тили ва эшишга оид тест саволлари.

1. 2-синфда қайси гап бўлакларини топиш кўникмаси хосил қилинади, лекин уларнинг номи берилмайди?
А) Эга;
В) Кесим;
С) Аниқловчи;
Д) Эга ва кесим;
Е) Тўлдирувчи ва хол.
2. Она тили дастурининг «Боғланишли нутқ» бўлимида қандай машқлар ўтказилиши кўзда тутилади?
А) Қайта хикоялаш (оғзаки баён);
В) Оғзаки хикоя тузиш (оғзаки иншо);
С) Ёзма матн тузиш (ёзма иншо);
Д) Намуна асосида ёзма матн тузиш (ёзма баёи);
Е) Барча жавоблар тўғри.
3. Қайси қаторда қўшма феъллар берилган?
А) Олиб келди, шамол эсди;
В) Синфдаи чиқди, чопиб келди;
С) Боғлаб қўйди, қийғос очилди;
Д) Кўриб қолди, чопиб келди;
Е) Айтиб берди, кўзм тушди.
4. Қаратқич келишигидаги от қайси сўз туркумига боғланиб келади?
А) Замон қўшимчасини олган феълга;
В) Эгалик қўшимчасини олган отга;
С) Бош келишикдаги отга;
Д) Шахс-сон қўшимчасини олган феълга;
Е) Тўғри жавоб берилмаган.
5. «Нутқ техникаси» деганда нима тушунилади?
А) Ўқиш, сўзлаш жараёнида тўғри нафас олган;
В) Овоз ва нафас чиқариш ритми;
С) Нутқ жараёнида нафас олишдан тўғри фойдаланиш;
Д) А ва В жавоблар тўғри;
Е) Тўғри жавоб йўқ.
6. Дикция нима?
А) Сўз, бўган ва товушни тўғри ва аниқ талаффуз этиш;
В) Матнни аниқ талаффуз этиш;
С) Нутқни тушуниш ва идрок этиш;
Д) Талаффузнинг аниқ ва соф бўлиши;
Е) Ўқитувчининг ўз нутқи устида ишлаши.
7. Интонация ҳақидаги умумий тушунча тўғри берилган жавобни топинг.

- А) Нуткнинг ритмик ва охангдор тузилиши;
- В) Ўзгариб борувчи охангнинг паст - баландлиги;
- С) Садо кучи ва овоз тебраниши;
- Д) Бадиий иутқдаги таъсирчанлик;
- Е) А, В, С жавоблар тўғри.

8. «Кульминация» нима?

- А) Воқеалар ривождаги энг кескин ҳаяжонли жихат;
- В) Воқеаларнииг энг юқори даражаси;
- С) Асарнинг энг юқори чўққиси;
- Д) Асардаги воқеалар ривожини бошловчи зиддиятларнинг юзага келиши;
- Е) Зиддиятларни очиб берувчи.

9. Сўзда урғуни тўғри қўллашга оид жавоб тўғри берилган қаторни аниқланг.

- А) Ҳаво оқимининг кучи билан ифодаланади;
- В) Мусикий урғу билан аралашган бўлади;
- С) Сўроқ таажуб маъноларини англатишда очик кўринади;
- Д) Ўзбек тилида урғу сўзнинг охирги бўғинига, баъзан биринчи ўртадаги бўғинига тушади;
- Е) Ҳамма жавоблар тўғри.

10. Амалдаги имло қоидалари қачон тасдиқланган?

- А) 1994 йил 1 апрелда; В) 1993 йил 2 сентябрда; С) 1995 йил 24 августда;

Табиатшуносликка оид тест саволлари.

1. ДТСда кўрсатилган табиатшуносликка оид амалда қўллай олиш шарт бўлган билимларни айтинг.
 - А) Термометр ёрдамида сув ва ҳаво ҳароратини ўлчаш;
 - В) Ер, қуёш, ой ва юлдузларнинг қиёсий катталикларини билиш;
 - С) Уfqнинг асосий томонларини билиш;
 - Д) Ўзбекистондаги йирик қўриқхоналарни билиш;
 - Е) Қизил китобга киритилган хайвонларни билиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ҳар бир инсон тиббий хизматдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган?
 - А) 54-моддада; В) 36-моддада; С) 40-моддада; Д) 41-моддада; Е) 45-моддада.

3. Ўқувчи 4-синфда глобус ва ярим шарлар ҳаритасидан нималарни кўрсата олиши керак?
 - А) Шимолий ва Жанубий қутбларни;
 - В) Материкларни;
 - С) Океанларни;
 - Д) Денгизларни;
 - Е) А, В, С, Д жавоблар тўғри.

4. 4-синф ўқувчиси Ўзбекистон «Қизил китоби» га кирган ўсимлик ва хайвонларни нечтасини билиши керак?
 - А) 3 та хайвон, 4 та ўсимликни;
 - В) 4 та ўсимлик, 3 та хайвонни;
 - С) 5 та хайвон, 2 та ўсимликни;
 - Д) 8 та ўсимлик, 6 та хайвонни;
 - Е) 4 та хайвон, 4 та ўсимликни.

5. Термометр иима?
 - А) Сув ҳароратини ўлчагич асбоб;
 - В) Ҳаво ҳароратини ўлчагич асбоб;
 - С) Иссиқлик ҳароратини ўлчагич асбоб;
 - Д) Иссиқ ва совуқ ҳароратни ўлчагич асбоб;
 - Е) Барча жавоблар тўғри.

Математикага оид тест саволлари.

1. Тўғри ечилган тенгламани топинг:

A) $10+X+25=130$ B) $10+X+25=130$

$X=130-(10-25)$ $X+(10+25)=130$

$X=130-35$ $X+35=130$

$X=95$ $X=130-35$

$X=95$

C) $10+X+25=130$ Д) $10+X+25=130$

$X=130-(10+25)$ $X+(25-10)=130$

$X=130-35$ $X+35=130$

$X=95$ $X=95$

E) $10+X+25=130$

$X=130-25-10$

$X=95$

2. Қайси жавобда $2009-X=1432$ тенгламанинг ечими тўғри берилган?

A) 987;

B) 230;

C) 577;

D) 445;

E) 620.

3. Қолдиқли бўлиш қандай текширилади?

A) Бўлинма бўлувчига кўпайтирилиб, қолдиқ айрилади;

B) Бўлинма ва бўлувчи айирмасига қолдиқ қўшилади;

C) Бўлинма бўлувчига кўпайтирилиб, қолдиқ қўшилади;

D) Бўлинма ва бўлувчи йиғиндисига қолдиқ кўпайтирилади;

E) Тўғри жавоб берилмаган.